



PRINCIPLES OF AMIR TEMUR'S MILITARY STRATEGY FROM THE PERSPECTIVE OF NEW UZBEKISTAN

Dilnoza Mirakhmatovna Togaeva

Doctoral student

Uzbekistan State University of World Languages

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: New Uzbekistan, consultation, strategy, defense, Address, session

Received: 28.04.24

Accepted: 30.04.24

Published: 02.05.24

Abstract: This article describes Amir Temur's military strategy and how it is interpreted in the military structure of New Uzbekistan today. In particular, it is stated in the original sources that the military tactics and strategy created by the great master who ruled in the XIV century was perfectly designed, and that this strategy was not used in the history of other rulers. The model of "Temur's rules" can be seen in every clause and article of the new General Assembly of Uzbekistan.

АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАРБИЙ СТРАТЕГИЯСИ ТАМОЙИЛЛАРИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН НИГОҲИДА

Дилноза Мирахматовна Тогаева

Докторант

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Янги Ўзбекистон, машварат, стратегия, муҳофаза, Мурожаатнома, сессия,

Аннотация: Мазкур мақола Амир Темурнинг ҳарбий стратегияси ва унинг бугинги кунда Янги Ўзбекистон ҳарбий структурасида қай даражада талқин қилиниш омиллари ёритилган. Жумладан, XIV асрда ҳукумронлик қилган буюк соҳибқироннинг яратган ҳарбий тактикаси ва стратегиясининг мукамал даражада лойҳалаштирилганлиги, бошқа ҳукумдорлар тарихида ушбу стратегиядан фойдаланилмаганлиги асл манбаларда келтирилган. Янги Ўзбекистон Бош Қомусининг ҳар бир банди ва моддаларида

“Темур тузуклари”нинг андозасини кўриш
мумкин.

ПРИНЦИПЫ ВОЕННОЙ СТРАТЕГИИ АМИРА ТЕМУРА С ТОЧКИ ЗРЕНИЯ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

Дильноза Мирахматовна Тогаева.

Докторант

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Новый Узбекистан, консультации, стратегия, оборона, Послание, сессия,

Аннотация: В данной статье описывается военная стратегия Амира Темура и то, как она интерпретируется в военной структуре Нового Узбекистана сегодня. В частности, в первоисточниках говорится, что военная тактика и стратегия, созданные великим мастером, правившим в XIV веке, были идеально продуманы, и что эта стратегия не применялась в истории других правителей. Модель «правил Темура» можно увидеть в каждом пункте и статье новой Генеральной Ассамблеи Узбекистана.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев «Бир пайтлар Амир Темур, Шохрух Мирзо, Жалолиддин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк боболаримиз ўзларининг жанг санъатини, ҳарбий мактабини яратиб, бутун дунёга донг таратган эди» деган фикрни илгари сурди. Буюк соҳибқироннинг ушбу сиёсий стратегия намуналари билан жаҳон давлатлари ва уларнинг ҳарбий санъати тарихи саҳифаларини фойдаланиб, кенг жамоатчиликни тарихий ҳарбий тактика ва стратегиялар билан таништиришни назарда тутди. Амир Темурнинг ҳарбий истеъдоди асосан икки йўналишда: моҳир ҳарбий ташкилотчи ва атоқли саркарда тарзида ном таратган. Амир Темур ўз ҳарбий-сиёсий фаолияти орқали, уруш олиб бориш тактикаси, бошқа мамлакатлар билан ўзаро муносабатлардаги муаммоларни сиёсий йўл билан бартараф этиш стратегиясини амалда юксак даражага кўтарди. Янги типдаги мунтазам армиянинг ташкил этилиши, сиёсий бошқаруви, ҳаётнинг барча омилларида, айниқса, давлат бошқарув структураси ва қўшин тузиш структурасида бу ҳолатни кузатиш мумкин. Жумладан, Амир Темур жангда ғалаба қозониш ёълидаги стратегик концепцияси бугун дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда. Яъни, Янги Ўзбекистон давлат бошқарувида бу мисолни кўриш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳар йили халқ олдида ҳисобот беришини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Айниқса, Мудофаа тизими ва ҳарбий қўшиннинг бошқаруви–уларнинг ижтимоий психологик ҳолатига диққатини қаратаётганлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Асли манбаларда келтирилишича, Амир Темурнинг интизоми, ҳар бир жангчи томонидан ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш қоидаларига риоя қилиниши, дипломатик воситалардан усталик билан фойдаланиш каби омиллар рақиб устидан устунлик ва ғалабани таъминлаган. Амир Темур ўзининг бутун ҳукмронлиги даврида бирор маротаба ҳам мағлубиятга учрамаган. Амир Темур ҳарбий фаолиятининг структуравий-функционал таҳлили шундан далолат берадики, қўлга киритган жуда кўп муваффақиятлар унинг олиб борган сиёсий стратегияси томонидан ташкил этилган ҳарбий стратегик тактикага боғлиқ бўлган. Бу ҳақида Шарафуддун Али Яздий ўзининг “Зафарнома” асарида шундай дейди: “Амир Темур марказлашган давлат барпо этиб, энг аввало унинг ҳарбий салоҳиятини кучайтиришга катта эътибор қаратди. Шу мақсадда мунтазам қўшин тузишга, унга янгиликлар киритишга ҳаракат қилди”. Амир Темурнинг кучли сиёсатдон ва стратеглигини унинг олиб борган сиёсатларидан билиш мумкин. Юқоридаги намуналарни бугунги кунда Янги Ўзбекистон давлат бошқарув структурасида ҳам жорий қилинаётган қарор ва фармонлар мисолида кўриш мумкин. Яъни, ҳарбий соҳа ходимлари учун имтиёзли уйлар, уларнинг фарзандларига берилган имкониятлар ҳамда оила аъзоларида турли хил масканларда даволаниш ва дам олиш учун берилган имкониятлар мисолида кўриш мумкин. Амир Темур бунёд этган салтанатни бошқаришда стратификацион (ижтимоий табақаланиш, тенгсизлик белгилари тизимини ифодалайди, ёки бошқача айтганда жамиятнинг мулк, мақом ва ҳокимият муносабатларидан келиб чиқадиган тизимдир) нуқтайи назардан ёндашган ҳолда қонун-қоидаларни ва давлат бошқарувини ўн икки тоифага боғлаб тузганлигини қайд этади. Шундан, тўртинчи тоифага “амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолорлар”ни ва бешинчи тоифага “сипоҳ ва раият”ни киритиб, ҳарбий жамоанинг куч-қудратини муносиб қадрлаган. Таниқли давлат арбоби ва афсонавий саркарда бўлиб, шуҳрат қозонган Амир Темур ўз армиясини шароитга кўра турли жисмоний машқлар ўтказиб чиниқтириб борган. Натижада, у турли шароитларда, иссиқ-совуқни писанд қилмай, чўл-у биёбонлар, тоғларда ҳам жанг қила оладиган армия яратди. Амир Темур ўз ҳарбий жамоасини мустаҳкамлашда креатив фикрлайдиган ва шижоатли ҳарбий хизматчиларга алоҳида муносабатда бўлганлигини қайд этадики, бу хусусда “Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқлигини кўрсам, уни тарбиятимга олиб, амирлик

даражасига кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматларига яраша мартабасини ошириб борардим” дейди. Амир Темур ўзининг тузукларида “салтанатнинг бир фоизи қилич билан тўқсон тоққиз фоизини машварат билан бошқардим” деган эди. Бугунги кунда Янги Ўзбекистон давлати ҳақида гап борганида Соҳибқироннинг юқоридаги донишмандлик гаплари беихтиёр эсга тушади. Айнан ўшандай бошқарув шакли Янги Ўзбекистонда жорий этилаётганлигини ҳозирги давр кўрсатиб турибди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳар йили Ўзбекистон парламентиغا Мурожаати ва тез-тез селектор йиғилишлари ўтказилиши Амир Темур давридаги машваратнинг замонавий шаклидир. Президентнинг жиддий қарорларга келиши, замон талабларига дош беролмаётган раҳбар кадрларни лавозимидан озод этилиши, ёш, кучли, иқтидорли ва замонавий билимларга эга бўлган кадрларга ишонч билан қараётгани айнан Президент сиёсатининг Амир Темур стратегиясига ҳамоҳанглигини кўрсатади. ХХІ аср Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мамлакатимиз ва халқимиз тарихининг янги даврини бошлаб берди. Давлатчилик тарихи жаҳон давлатчилиги ибтидоси билан тенгдош бўлган. Шунингдек давлат бошқарув стратегияларда қуйидагича қиёсий таҳлил қилиш мумкин:

➤ Биринчидан, Турон замин халқлари ўзининг буюк яратувчанлик, бунёдкорлик имконияти, ақлий салоҳияти, тафаккур кенгликлари билан замонавий цивилизация шароитида ҳам ўзининг юксак маънавий–ахлоқий, маърифий–маданий имкониятларни намаён қилмоқда.

➤ Иккинчидан, Янги Ўзбекистон даври ўзининг бутун кўлами, мазмуни ва моҳияти билан бутунлай янги типдаги ҳаёт, назарий–фундаментал ва амалий жиҳатдан янгиланган давлатчилик асосларининг юзага келиши, бошқарув тизимида очиқлик муҳитининг пайдо бўлиши ва реал воқеликка асосланиши билан боғлиқдир.

➤ Учинчидан, бутунлай янги тафаккурдаги инсоннинг шаклланиши, ҳаётга муносабатларнинг жиддий равишда ўзгариши, эркин ва озод фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсади билан боғлиқ.

Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистон давлат бошқарувини барпо этишда Президент Шавкат Мирзиёев адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий зарур шартига айлантирди.

Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг қўмандонлик маҳорати - унинг қўшин тузишда моҳирона жангчи ва қўмандонларни тайинлашда кучли билим ва маҳоратга эга бўлган ҳуқумдор бўлиб, у қўмандонларнинг лидерлик қобилиятига алоҳида эътибор билан ёндашиб қўмандонликка кучли бошқарув тажрибасига эга бўлган шахсларни тайинлаган.

Шунингдек тарихдан маълумки, бир қанча кучли ҳукумдорларнинг жанг санъати ва стратегиясидан Амир Темурнинг ҳарбий стратегиясининг фарқи нимада эканлигига алоҳида диққат қаратиш лозим.

Биринчидан, Амир Темурнинг асосий қўшинлари вақтинчалик ёлланган аскарлардан эмас, балки мунтазам фаолият кўрсатувчи профессионал ҳарбийлардан иборат бўлган;

Иккинчидан, қўшинда кўчма кўприklar куриш билан шуғулланувчи алоҳида таркиб (бугунги ҳарбий иш тилида понтончилар бўлинмаси) тузилган. Ушбу таркибга Амударё ва Сирдарёда кемачилик билан шуғулланувчи аҳоли орасидан мутахассислар танлаб олиниб, кемалар ва кўприklar куриш ишларига жалб этилган;

Учинчидан, нафтандозлар (юнон оловини отувчилар), қамал қилиш машиналари ва тош отувчи қуроллар билан ишлашни биладиган жангчилар, тик қияликларга чиқа оладиган, тоғли ерларда бўладиган жангларга кўниккан, тоғ аҳолисидан ташкил топган бўлинмалар ҳамда «Сонсиз» деб номланган махсус қисм фаолият юритган;

Тўртинчидан, қўшин таркибида «Экинчи» деб номланган махсус бўлинма жорий қилиниб, улар узоқ муддатли ва олис ўлкаларга юриш пайтида деҳқончилик билан шуғуллаган, қўшинни озик-овқат билан таъминлаган. Олий ҳарбий санъат концепцияси нуқтайи назаридан Амир Темур қўшинининг жанговар тартиби ўз даври учун янгича бир кўринишга эга бўлган. Шунингдек, унинг жанг санъатидаги турли хил манёврларни ишлаб чиқиш ва бутун қўшинни бошқариш ҳамда қийин вазиятда муаммоларни бартарф этиш ва ечиш қобилиятига эга бўлган. Демак, Амир Темур ҳар жанг олдидан ўзи ва унинг қўшинидаги қурол аслаҳа, кийим–кечак ва унинг палаткалари–ю кундалик ишлатадиган асбобларигача алоҳида алоҳида текширувдан ўтказган ҳамда қўшиннинг психологик ҳолатини ўрганган. Стратегик жиҳатдан янги тартиб асосида қўшинни тузиш, нафақат қўшин марказини, балки қанотларни ҳам бир хилда кучайтирган. Ҳарбий назариётчиларнинг таъкидлашича, марказ ихтиёрида илғор, канбул ва захира қисмлар бўлиб, улар уруш тақдирини ҳал қилган. Бундай тартиб қўшин тузилишига саркарда томонидан киритилган ўзига хос яна бир янгилик ҳисобланиб, жаҳон ҳарбий классиклари стратегиясида ўз аксини топгани шубҳасиздир.

Амир Темурнинг ҳарбий санъатини қуйидаги методологик тамойиллар асосида баён этиш тавсия этиладик, яъники, улар саркарда меросини ҳарбий санъат, тарихи предмети ва мавзулари билан ҳамоханг бўлишини таъминлайди:– тарихийлик тамойили асосида баён этиш (саркарданинг юришлари, қўшин тузиши ва ҳарбий бошқарувининг тарихий далиллар ва ўша даврдаги муаммолар билан ўзаро боғлиқлиги, ривожланиши, сиёсий вақт

ва маконни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш) илмийлик тамойили асосида баён этиш (Амир Темурнинг ҳарбий фаолиятини қисмларга, жумладан, ҳарбий бошқарув, ҳарбий қурилиш, олий бош қўмондон, ҳарбий кенгаш раиси кабиларга ажратиб, ўтказилган илмий тадқиқотларнинг асосий натижаларига асосланиб тавсифлаш) давлат ва жамият ҳаётининг ўзаро боғлиқлиги тамойили асосида баён этиш (саркарданинг юришларини ҳарбий-тактик ва ҳарбий-стратегик концептлар асосида баён этиш учун ҳар бир юришга мажмуавий ёндашиб, ички ва ташқи сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ҳокимият ва жамиятнинг иқтисодий, маданий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларини ўзаро алоқадорликда мавжудлиги, ўша замоннинг илмий ютуқлари, ҳарбий ишда киритилган ўзгаришлар, маданиятнинг ривожланиши, диний ва маънавий ҳаётнинг ўзгаришларини инобатга олиш) ва бошқа омилларни киритиш даркор. Ҳарбий фаолиятни ҳамда саркарда шахсини турли илмий қарашлар (жумладан, ҳарбий операцияларни ташкил этиш ва б.) асосидан ўрганиш мумкин. Жумладан, Чор Россияси генерал-лейтенанти Михаил Иванин 1836–1845 йилларда ёзган «Мўғул-татарлар ва Ўрта Осиё халқларининг Чингизхон ҳамда Амир Темур даврларидаги ҳарбий санъати ва истилолари ҳақида» номли асарида ёзишича, Амир Темурдан олдинги даврларда ҳарбий санъат тарихида қўшинни бу тартиб асосида тузиш амалиёти мавжуд бўлмаган дея таърифлайди. Буюк соҳибқироннинг олиб борган қўшин тузилиш стратегияси ундан олдин ҳукумронлик қилган ҳукумдорларнинг қўшин бошқарувида фойдаланмаганлиги ҳақида фикр мулоҳаза билдирганини гувоҳи бўлинади. Айниқса, Амир Темурнинг ҳарбий соҳада буюк даражада моҳир стратег эканлигини англамасдан иложи йўқ. Дарҳақиқат, французларнинг энг қудратли ҳукумдори Наполеон Бонапарт қуйидагича талқин қилади: Яъни, «Ҳарбий инсонда қанчалик тафаккур ва ақл-идрок бўлса, шунчалик характер ва ирода ҳам бўлиши лозим» деб буюк ҳукумдорларни қобилият ва имкониятларини таҳлил қилар экан, ушбу сифатлар Соҳибқиронга тегишли эканлигини англатади ва унинг сиёсий бошқарувини ҳеч бир бошқа ҳукмдор қилмаганлигини таъкидлайди. Немис мумтоз ҳарбий санъат намоёниси К.Клаузеверс бу масалага муносабат билдириб, «Бош қўмондонлик олий лавозимидаги ақлий фаолият, инсон тафаккурининг ҳиссасига тушадиган энг мураккаб, қийин фаолият турига мос келади». Амир Темур стратегик тафаккури моҳиятини англаш ва унинг жаҳон ҳарбий санъати ривожига қўшган ҳиссасини тўлиқ баҳолаш учун саркарда юришларининг фақатгина тарихий-географик жиҳатларини кўрсатиб ўтишнинг ўзи кифоя эмас. Бундай ёндашув, тарихий далиллар баёнидан иборат бўлиб, у ҳарбий санъат тарихини бойитишга хизмат қилмайди. Амир Темур саркардалиқ маҳоратининг яна бир белгиси шундан иборатки, у қабул қилиниши лозим бўлган қарорнинг барча жиҳатларини: салбий ва

иждобий, фойда ва зарарли томонлари чуқур идрок этгандан сўнггина хулоса билдирган. Хусусан, “Темур тузуклари”да келтирилишича, «ишнинг ҳар икки томонини мулоҳаза қилиб, фойда–зиёнларини кўнгилга келтирардим (идрок этиб, реал тасаввур қилардим). Айниқса, ул ишни хатарли томонларига кўпроқ эътибор берардим. Агар икки хатарлик (ёки) бир хатарлик ишларни қилишга тўғри келгудек бўлса, икковидан баробар қутулиш чораси топилмагач, бир хатарлигини ихтиёр этдим»). Асл манбаларга кўра, Амир Темурнинг қарор ва лойиҳалар ишлаб чиққанда кучли ақл тарозиси ила қарор қабул қилган. Бугунги кунда, Янги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан чиқарилаётган қарор ва фармонлар ҳамда лойиҳаларни ҳам мукаммал даражада таҳлил қилиб аҳолига тарғиб қилиш вазифасини қўймоқда. Шу жумладан, дунёнинг барча давлатлари билан дўстона ва ўзаро манфаатларни инобатга олган ҳолда ҳамкорлик қилиш учун замин яратмоқда ва бугунги даврда, жаҳон ҳарбий санъати тарихини бойитиш йўлида халқаро миқёсда илмий-иждодий ҳамкорлик қилиниб ижтимоий-маданий алоқалар ўрнатилмоқда. Яъни, ҳарбий кўшиннинг замонавий технологияларни мукаммал ўрганиши ва жаҳон давлатлари ўртасида ўз позициясига эга бўлиш учун “Содиқ дўст” халқаро мусобақаларда Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий қисми фаол иштирок этиб муносиб ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Амир Темур олиб боган ҳарбий стратегиядан ва унинг санъатининг нечоғлиг мукаммал эканлигига ўз даврининг буюк ҳукумдорлар ва сиёсатшунослари ҳам қадирлаган ва ўзлари учун дастури амал вазифасида фойдаланган. Амир Темур буюк саркарда сифатида, энгаввало, ўз армиясининг интизомига ниҳоятда эътибор берган. Зеро, интизомсиз кўшиннинг ғалабасига ишониб бўлмаслиги, тартиб-интизом, жанговар руҳиятнинг аҳамияти нечоғли муҳимлигини тўғри англаган. Унинг бой мероси бўлган. Асрлар давомида бундай қуроолларнинг турлари, сифати ортиб, такомиллашиб борган. Амир Темур ва темурийлар даврида қўлланилган қурол-яроғлар ҳақида биз кам маълумотга эгамиз. Лекин кейинги даврларга оид маълумотларга таққослаган ҳолда бу ҳақда тасаввурга эга бўлиш мумкин. Масалан, ёзма манбаларда қурооллар ишлаб чиқариш марказлари бўлган Самарқанд ва Бухорода кўплаб совутлар, камон, камон ўқлари, шамшир, дубулға, қилич, қалқон, пичоқларнинг кўплаб ишлаб чиқарилганлиги маълум. XIV–XVI асрларга оид турли қўлёзма асарларга ишланган миниатюралар орқали ҳам Амир Темур ва темурийлар ҳукумронлиги даврида мавжуд бўлган қурол-аслаҳа, ҳарбий кийим-кечаклар тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Ўз замонасининг энг етук давлат бошлиғи ҳамда саркардаси–Темур ҳокимият тепасига

келиши ҳамда унинг анча йиллик узлуксиз юришлари Марказий Осиё ҳарбий соҳасининг янги даври бўлди деган қарашни илгари суриш имконини беради. Амир Темур кучли стратегик қобилиятига эга бўлиб, бу асосан ўзининг қўшини, жанг тактикаси ва қурол-ярғ соҳасига ижобий таъсир кўрсатди. Тўғри, бу давр тўлаянгилар даври деб айта олмаймиз, чунки ҳали Амир Темур фаолиятининг бошланғич давларида совут ёки бошқа қурол-аслаҳа тайёрланиш жараёни мўғулларнинг услубига ўхшаш ҳамда унинг таъсири сезиларли бўлганлиги кузатилади. Бироқ бу кейинчалик такомиллаштирилиб, ўзига хос тарзда, санъат даражасида ясалганки, буни биз ўша даврга оид манбалар орқали айрим намуналарини келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Жумладан, Янги Ўзбекистон ҳарбий бошқарув стратегиясида ҳам ҳарбий қурол-аслаҳаларнинг такомиллашадигани тарихимиз билан ҳамоҳанглигини англатади. Мудофаа тизимизда замонавий қурол-ароғлар хориж давлатлари билан ҳамкорликда такомиллаштирилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Шавкат Мирзиёев: Ўзбекистон Қуролли кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги. “Халқ ва армия – бир тану бир жондир”. Мурожаатнома. 13.01.2022
2. Шарафуддун Али Яздий,. Зафарнома // Сўз боши, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А. Аҳмад, Ҳ. Бобобеков: Масъул муҳаррир Б. Эшпўлатов. Нашрлар ва матбаачилар гуруҳи: И. Шоғуломов ва бошқалар //–Т.: «Шарк», 1997. 176-б.
3. Оқил Салимов. Янги Ўзбекистон йўли – саодат йўли. Журнал. Жамият ва бошқарув. 2023 йил 3(101).
4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги “Соҳибқирон Амир Темур ҳарбий саъати” журнал. Мавзу: “Амир Темур саркардалиқ маҳорати ва стратегик тафаккури” –Тошкент “Маънавият” 6 б.
5. Иванин М. О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и средне-азиатскихъ народов при Чингизханеи Темерлане / Второе издание. – СПб.: 1875. – С. 190.
6. Наполеон.Б. Избранные произведения. Т.1. – М.: Воениздат, 1941. – С. 320.
7. Клаузевиц К. О войне.–М.: Госвоениздат, 1934. // <http://militera.lib.ru/science/clausewitz/index.html>
8. Темур тузуклари // Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси. – Тошкент: 1991. 16-б.